

ХОРАЗМЛИКЛАРНИНГ ФРОНТ ОРТИ ХАЁТИНИ ЁРИТИШДА “ХОРАЗМ ҲАҚИҚАТИ” ГАЗЕТАСИННИГ ЎРНИ

*Жуманиязова Фируза Жуманазаровна, Хоразм Маъмун
академияси ижтимоий-гуманитар фанлар бўлими катта
илмий ходими, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD)*

THE ROLE OF THE NEWSPAPER “KHOREZM HAQIQATI” IN COVERING THE HOME FRONT LIFE OF THE PEOPLE OF KHOREZM

*Jumaniyazova Firuza Jumanazarovna, Senior Researcher, Social
and Humanitarian Department, Khorezm Mamin Academy,
Doctor of Philosophy on Historical Sciences (PhD)*

РОЛЬ ГАЗЕТЫ “ХОРЕЗМСКАЯ ПРАВДА” В ОСВЕЩЕНИИ ЖИЗНИ ХОРЕЗМИЙЦЕВ В ТЫЛУ ФРОНТА

*Джуманиязова Фируза Джуманазаровна, старший научный
сотрудник отдела социальных и гуманитарных наук
Хорезмской академии Маъмуна, доктор философии по
историческим наукам (PhD)*

Аннотация: Мақолада хоразмликларнинг фронт орти ҳаёти тафсилотларининг ёритилиши
масалаларига оид материаллар “Хоразм ҳақиқати” газетасидаги мақолаларни таҳлил қилиши орқали
ёритиб берилган.

Калим сўзлар: Иккинчи жаҳон уруши, даврий нашрлар, “Хоразм ҳақиқати”, хотин-қизлар,
ижтимоий ҳаёт.

Abstract: The article presents materials on the issues of covering the details of the life of Khorezm
people behind the front lines by analyzing articles in the newspaper “Khorezm haqiqati”.

Keywords: World War II, periodicals, Khorezm haqiqati, women, social life.

Аннотация: В статье представлены материалы по вопросам освещения подробностей жизни
хорезмийцев в тылу фронта путем анализа статей в газете “Хорезмская правда”.

Ключевые слова: Вторая мировая война, периодическая печать, “Хорезмская правда”,
женщины, общественная жизнь.

КИРИШ. Иккинчи жаҳон уруши даврида
Хоразмда иккита вилоят газетаси ўз фаолиятини
олиб борган[1.6.2]. Вилоят газеталаридан
“Хоразм ҳақиқати” 1940 йилдан, “Хорезмская
правда” газетаси 1941 йилдан бошлаб чоп
қилинган. Газеталар дастлаб бир варак (олд ва
орқа томонида матнли) ҳажмда, 1941 йилдан
икки варак (бетга ҳисоблаганда икки варак тўрт
бетдан иборат бўлган) ҳажмда нашр қилинган.

Уруш давридан бошлаб газеталардаги
материаллар ўзбек ва рус тилларида нашр
қилинган. Газетанинг олдинги варагида
ҳаракатдаги армия ҳақида маълумотлар,
қаҳрамонларнинг фотосуратлари, ТАСС ва
ЎзТАГГ хабарлари, иккинчи варакда урушга
кетган эркаклар ўрнини эгаллаган хотин-
қизларнинг касб ўрганишга жалб қилингандиги,
артеллардаги иш фаолияти, тракторчилик,



<https://orcid.org/0009-0009-4929-3143>
e-mail:
jumanazarovafiruza8485@mail.com

ҳамширалик ва ўқитувчилик курсларида таҳсил олаётганлар тўғрисида доимий равишда материаллар бериб борилган. Айрим пайтларда газетанинг биринчи варагида фронт орти янгиликлари ҳам ёритилган. Газеталарда бериладиган мақолалар мавсум билан ҳам боғлиқ бўлган. Масалан, баҳор пайти экин экиш, ер шудгорлаш каби масалалар ёритилган бўлса, кузда пахта йигим-теримига кўпроқ эътибор қаратилган мақолалар берилган.

АДАБИЁТЛАР

ТАҲЛИЛИ.

Хоразмликларнинг фронт орти ҳаётига бағишланган бир қанча илмий мақолалар чоп этилган бўлса-да, лекин улардаги маълумотлар факат даврий нашрларнинг материаллари асосида ёзилган эмас. Шу сабабдан мавзуга оид асосий манбалар бу “Хоразм ҳақиқати” газетасининг 1941-1945 йилларга оид тахламалари хисобланади. Газетанинг 1941-йилга оид IX, X, XI, XII ойларида №232 - №286 сонлари 346-жамғарма, 1-рўйхат, 17-иш; 1942-йилнинг I, II, III, IV, V, VI ойига тегишли №1 - №120 сонлари 622-жамғарма, 1-рўйхат, 19-иш; VII, VIII, IX ойларга тегишли №149 - №226 сонлари 622-жамғарма, 1-рўйхат, 20-иш; X, XI, XII ойларига тегишли №227 - №302 сонлари 346-жамғарма, 1-рўйхат, 21-иш; 1943 йилнинг I, II, III, IV, V ойларига тегишли №1 - №109 сонлари 346-жамғарма, 1-рўйхат, 22-иш; VII, VIII, IX ойларига оид №111 - №197 сонлари 623-жамғарма, 1-рўйхат, 12-иш; 1944 йилнинг VI, VII, VIII, IX, X, XI, XII ойларга тегишли №128 - №254 сонлари 622-жамғарма, 1-рўйхат, 24-ишида Хоразм вилояти давлат архиви фондида сакланмоқда[2.6.55-61].

МЕТОДЛАР. Хоразмликларнинг фронт орти ҳаётига оид материаллар “Хоразм ҳақиқати” газетасининг 1941 йил тўртинчи чораги, яъни октябрь – декабрь ойларидағи сонларида нашр этилган мақолалар асосида тарихий-қиёсий методдан фойдаланган ҳолда таҳлил қилинди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР. “Хоразм ҳақиқати” газетаси дастлаб “Инқилоб қуёши” номи билан 1920 йил 8 марта бошлаб Хива шаҳрида нашр қилина бошланган. 1928 йил июнь ойи охира босмахона Хивадан кўчирилган ва 1 июлдан ўз иш фаолиятини янги бинода Урганч шаҳрида бошлаган. Ушбу газета шу ном билан 1939 йилгача чоп қилинди. 1940 йилдан бошлаб

“Инқилоб қуёши” газетасини номи “Хоразм ҳақиқати” номига ўзгартирилди. 1941 йилдан бошлаб эса, газета рус тилида “Хорезмская правда” номи билан нашр қилина бошланди. 1939-1941 йилнинг июнь ойи охирларигача бўлган даврда газеталарда кўпроқ қишлоқ хўжалиги, турли хил янги касблар, тўгараклар, янги касбларга аёлларнинг жалб қилинишига оид мақолалар ва театр эълонлари берилб борилган бўлса, 1941 йилнинг 22 июнидан бошлаб урушнинг бошланганлиги, унга совет давлатининг ҳам тортилганлиги, фронтга сафарбарлик, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини уруш даври талаблари асосида ҳарбий асосда қайта қуриш, ҳарбий ўкув машғулотларини ташкил қилиш ва унга ахолининг барча қатламини жалб қилиш, мудофаа фондига, қизил аскарлар оиласига ёрдам каби масалалар ёритилган мақолалар берила бошланди.

Уруш йилларида даврий матбуотнинг ўрни ва аҳамияти катта бўлди. Чунки газеталарда ҳар кунги хабарлар билан бирга турли чақириқлар ҳам берилди. Ушбу чақириқлар фронт орти ҳаётида алоҳида аҳамият касб этди ва халқни бирдамлиқда ишлашга, ғалаба учун интилишга сафарбар қилди.

1941 йилнинг октябрь ойида “Хоразм ҳақиқати” газетасида фронт орти воқеалари ёритилган 161 та мақола чоп қилинди[3.в.154]. Мақолаларнинг асосий қисми пахта йигим-терими ишларининг бориши, колхозлар ўртасида стахановчилик ҳаракатларининг авж олиши, мусобоқалар, ғолиблар тўғрисидаги материаллардан иборат эди. Жумладан, газетанинг 1941 йилнинг 3 октябрдаги 235-сонининг 4-бетида “Андижонлилар чақириғига қўшилиб, пахта териш суръатини тағинда теззатамиз” шиори остида учта мақола: “Андижонлилар чақириғи асосида”, “Кунига 200 килограмдан пахта терамиз”, “Кўп ва сифатли термоқдалар” чоп қилинди. Бундан ташқари, шу ойдаги газета сахифаларида пахта йигим-теримига оид 66 та, ёшларни ватанни фронт ва фронт ортида химоя қилишга чорлаган чақириқларга оид 15 та, БГТО, БГСО, ГТО, ГСО, Осоавияхим каби ҳарбий ўкув машғулотларига жалб қилинишига оид 6 та, вилоятда саноат корхоналари фаолияти акс этган 13 та,

тракторчилик ўкув курслари ва уларга жалб қилинган хотин-қизларга оид 5 та, фронтга кийим-кечак тўплаш масаласига акс этган 37та, дон экиш, боғдорчилик, сугориш ишлари ёритилган 4та, тарғибот-ташвиқот ишларига оид 8та, чорвачиликка оид 4та, қизил аскар оиласирига берилган ёрдам ва давлат ёрдами ёритилган 2та мақола билан биргалиқда театр репертуарларида саҳналаштирилаётган асарларнинг эълони ҳам бериб борилган.

Уруш бошланган даврдан бошлаб газеталарда турли чакириқлар берилган мақолалар ҳам асосий ўринни эгаллади. Аҳолининг катта қисми ёшлардан иборат бўлғанлиги учун чакириқлар асосан талаба ёшларга қаратилган ва уларни ватанини хоҳ фронтда, хоҳ фронт ортида туриб мудофаа қилиш масаласи илгари сурилган эди.

1941 йилнинг ноябрь ойида “Хоразм ҳақиқати” газетасида фронт орти воқеалари ёритилган 70 та мақола чоп қилинди. Газетадаги асосий мақолалар урушнинг бориши ва ҳаракатдаги армия хабарларини ёритишига бағишлиланган эди. Газетадаги 70 мақоладан 39таси пахта йиғим-терими, 1таси чорвачилик соҳаси фаолияти, 9таси фронтга маҳсулот йиғиши, 1таси театр соҳаси фаолияти, 8таси қизил аскарлар оиласига давлат томонидан берилаётган ёрдам, 1таси тракторчилик фаолияти, 1таси ўкув машғулотлар, 10таси саноат соҳаси фаолияти, 1таси фронтга ҳамшира тайёрлаш, 1таси давлат томонидан кам таъминланган оиласирига берилаётган ёрдам масалаларига бағишлиланган эди[4.в.154]. Жумладан, газетанинг 1941 йилнинг 1 ноябрдаги 260-сонининг 1-бетида “Хурмат таҳтаси”, “Шонли байрам олдидан”, “Хосилдор звено” номли мақолалар, 2-бетида “Коммунист” колхозининг коммунистлари”, “Норма ошириб бажарилди”, “Қизларгул”, “Пахтакорчилар ҳаракати”, “Яна 60 процент”, “Социализм колхози қишлоғга тайёр” номли мақолалар нашр қилинди. Газета саҳифаларида ёритилган турли мавзулардаги мақолаларнинг асосий мақсади битта бўлган. Яъни аҳолини ватан ҳимоясига чорлаш, фронт ва фронт орти ҳаётини ҳарбий изга ўтказиш, вилоятда мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб иқтисодиётни ривожлантириш, мудофаа фондига маҳсулот йиғишидан иборат бўлган.

1941 йилнинг декабрь ойида “Хоразм ҳақиқати” газетасида фронт орти воқеалари ёритилган 59та мақола чоп қилинди. Чунки бу даврга келиб пахта йиғим-терими тугаган, эндиgi бажариладиган ишлар асосан далага гўнг ёйиш, ерни шудгорлаш, тракторчилар фаолияти ва улар ўртасида ўтказилган беллашувлар, қиши кийимларни мудофаа фонди учун йиғишидан иборат бўлди. Газетанинг декабрь ойидаги саҳифаларида 26та мақола пахта йиғим-терими якунлари, Зтаси фронтга маҳсулот йиғиши ишлари, 8таси давлат томонидан қизил аскар оиласири ва кам таъминланганларга берилган ёрдам масалалар, 16таси тракторчилар фаолияти, 3таси саноат корхоналари фаолияти, 1таси театрлар фаолияти, 2таси фронтга ҳамширалар тайёрлаш масалаларига оид эди[5.в.116]. Жумладан, газетанинг 1941 йилнинг 2 декабрдаги 286-сонининг 1-бетида “Маҳаллий саноатнинг юксалиши учун, “Қаҳрамон жангчиларимиз учун”, 2-бетида “Ёнғинга қарши кураш асосий вазифа”, 3-бетида “Ўзбекистонда дон хўжалигини юксалтирайлик”, “Жонажон жангчиларимизга иссиқ кийим”, 4-бетида “Илғор трактор биригадаси”, “Коммунист Раҳимов жамоаси шудгорлашни тамомлади”, “Трактордан нормал фойдаланиш керак”, “Мудофаа фондига”, “Маҳаллий саноатни кенг ривожлантирайлик”, “Йиллик план 102,6 процент бажарилди” каби мақолалар берилган эди.

ХУЛОСА. Иккинчи жаҳон уруши даврида вилоятда “Хоразм ҳақиқати” ва “Хорезмская правда” газеталари билан биргалиқда бешта туман газеталари ҳам фаолият олиб борди. Газетанинг барча сонларидаги саҳифаларда фронт орти воқеаларига оид мақолалар ёритиб борилди. Бу воқеаларнинг ёритилиши аҳоли ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида газеталарни, дам олиш пайтларида асосан агитаторлар ўзларининг бригадаларида ишчиларга ўқиб эшиттирганлар. Яхши хабарларни эшитган ишчилар чарчоқ нималигини билмасдан, стахановча ишлаб, белгиланган нормаларни ошиғи билан бажаргандар. Уруш йилларида даврий матбуот аҳолига куч бағишлочи тарғибот-ташвиқотчилик ролини бажарган ва ижтимоий ҳаётда алоҳида аҳамиятга эга бўлган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Жуманиязова Ф.Ж. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Хоразм хотин-қизларининг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигининг даврий нашрларда акс эттирилиши (1941-1945 йиллар) // “Ўтмишга назар”. 2022. №3. (maxsus son) (electron jurnal). DOI: [http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2022-SI-3.-Б. 53-59. \(07.00.01.№41\)](http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2022-SI-3.-Б. 53-59. (07.00.01.№41))
2. Жуманиязова Ф.Ж. Хоразм халқининг инсонпарварлик ёрдами. Хоразм ҳақиқати газетасидан айрим намуналар // *Journal of Innovations in Social Sciences*. 18.12 2021. Volume: 01, | Issue: 06 | 021 || SJIF Impact Factor (2021): 8.2 ||ISSN: 2181-2594. – Р. 55-61.
3. Хоразм вилояти давлат архиви. Ф-622, оп-1, д-17, в-154
4. Хоразм вилояти давлат архиви. Ф-346, оп-1, д-17, в-154
5. Хоразм вилояти давлат архиви. Ф-622, оп-1, д-17, в-116.

